

ҲАР ҚАЙСИ ИНСОН БУЮК КУЧ СОҲИБИДИР. ФАҚАТ УНИ УЙҒОТА БИЛИШ КЕРАК.

Ислом КАРИМОВ



ДЎСТИК, ХАМЖИХАТЛИК ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Мирзачўли халқлар дўстлигига қўйилган ҳайкал деб аташ мумкин. Кимсасиз чўлда бўстон яратган марди-майdonлар яшади бу ерда. Мустақиллик даврида барча миллатларнинг тинч-тотув ва эркин яшашлари учун яратилган тенг имкониятлар туғайди бу дўстлик янада мустақамланиб, кубратли кучга айланди.

Туманда 26 миллат ва элат вакиллари қўли қўлга бериб, баҳам-жиҳат ва баҳамти яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг тўй-маъракалари бир. Қиз бериб, ўғил уйлантиришмоқда. Оммавий тантаналар, хусусан, Наврўз ва Мустақиллик байрамларида туман марказидаги стадионда ўзгача бир манзара намойён бўлади. Ўтовлар тикилиб, миллий-маданий марказлар учун алоҳида жой ажратилади, шодийнага шодийна уланади.

Туманда Анорқул Қулмонов номли қозоқ миллий театри фаолият кўрсатиб келмоқда. Театр ўзбек драматургларининг асарларини ҳам сахналаштириб, қўшни Қозғистон республикаси томошабинларига намойиш этмоқдаки, бу ўзбек халқининг қадриятлари, урф-одатлари билан чуқурроқ танишишга хизмат қилмоқда. Тумандаги барча байрам, спорт тадбирларида қўшнилар албатта тақлиф этилади. Улар ҳам мирзачўликларни тез-тез чорлаб туришади. Бундай байналмилалчиликни туман ҳаётининг барча жаҳазларида қўриш мумкин. Фермердан тортиб, барча даражадаги туман раҳбарлари таркибиде турли миллатларнинг вакил-

ши рост гап. Айнан шу ишонч туғайди туман галлакорлари яқинда катта зафар кучишди. Давлатга 37 минг тонна дон сотилди. Утган йили иш бароридан келган туман фермерлари 74 та экиш севякеси, 110 та культиватор сотиб олган эдилар. Бу йилги даромаддан яна қўлбас техника харид қилиш кўзда тутилмоқда.

Ҳозир туманда учта сановат корхонаси жадал ривожланмоқда. Ярим йиллик ҳисоб-китобларга қараганда, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари 102,8 фоизни ташкил этди. Туман аҳолисининг халқ истеъмоли молларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида Россиянинг "Мел-Инвест" фирмаси ва "Галаба" фермер ҳўжалиги ҳамкорлигида ишга туширилган тегиримон суткасига 50 тонна ун маҳсулоти ишлаб чиқараётди. 820 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатаётди. Янги ишчи ўринларини яратиш ҳисобига 600 киши иш билан таъминланди.

Аҳолини газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви билан улуқсиз таъминлаш, коммунал йиғимларнинг ўз вақтида тўпланишига эришиш борасида ҳам муайян ишлар қилинмоқда. Газ тармоқларини яхшилаш мақсадида 1,5 километр масофадаги қувурлар алмаштирилди. 2 километр масофадаги сув қувурларини янгисига алмаштиришга эришилди.

БУ ЭРТАК ЭМАС, АЙНИ ҲАҚИКАТ

Бир бор экан, бир йўқ экан. «Шарқ дарвозаси» деб таъриф улашган улкан шахардан йўлга чиққан қарсон қок пешин пайти қумда тухум пиширса пиширгулик чўл ўртасида тўхташга мажбур бўлибди. У ёққа қарашибди, бу ёққа қарашибди, бирдан бир даста гул сингари гул даракторга қўзлари тушибди. Соя-салкин жаннатмақонга қадам қўйган захоти толиққан аъзои баданларига жон кириб, ўзларини ондан янги туғилган чақалоқдек бахтиёр ҳис қилишибди.



лари бор. Мана улар: Мария Сафонова - рус, туман ҳокими ўрибосари, қозоқ йигити Анорқул Қўбилбеков - фермер, Насриддин Бобоев - тожик, Агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмалари туман Кенгаши раиси. Санайверсак, адо бўлмайди.

Туманда асосан пахта ва галла етиштирилади. Мирзачўликлар тажрибадан яхши билишади: мўл ҳосил олинса, нафақат давлат, балки одамлар ҳам манфаат қуради, яхши даромад олишади, рўзгорлари бут бўлади.

Бугун, туманда барча ер майдонлари 920 нафар фермернинг ихтиёрида. Мулк эгасини топанлиги ўз самарасини бермоқда. Сунги икки-уч йилда галла, пахта тайёрлаш давлат шартномаси ортиси билан урда-лаб келинмоқда. Муваффақиятлар, табиийки, ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг замирида қанчадан-қанча машаққатли меҳнат ётибди.

«Дехқончиликда осон келган йилнинг ўзи йўқ, - дейди туман ҳокими Муса Анорбоев. - Табиатнинг инжиқликларига ҳар йили дуч келамиз. Меҳнати зое кетган миришорқ баъзан тушунлиққа тушган палларани ҳам бўлади. Шунча пайтда кўнглини кўтарадиган одами бўлмас қийин. Кези келиб қолди, бир мисол келтирайман. Эр-хотин ўқитувчилар бошқаларга давас қўлиб ер олиб фермер бўлишди. Омади юришавермай, галла, пахтадан шартнома режасини сурункасига икки йил бажара олмай, анча қийналишди. Фермер ҳўжалиги туман марказидан чиқаришди, шундай катта йўлнинг устида жойлашган. Хоҳлайманми йўқми, бу ердан кунига 3-4 марта ўтаман. Аслида, бу фермернинг ер майдонини олиб қўйиб, бошқа кишига бериб юборсак ҳам бўларди. Оиланинг бир этак фарзандлари бор. Уларни ўзим оталиққа олдим. Утган йили август ойида атайлаб ушбу фермер ҳўжалигида кузги шудгорлаш ва галла экиш бўйича туман фермерлари семинарини ўтказишга бош-қош бўлдим. Таъсир қилди чоғи, далага яхши ишлов берилди, ўша фермер овқат туриб олди. Яқинда дала бошида фермернинг 9-синфда ўқийдиган ўғлини учратиб қолдим. Сўрасам, 16 талекча галлани йинга тушириб олди, дейди. Бир-раму хурсанд. «Ҳоким бобо, энди биздан ерни олиб қўймайсизми?» деб сўрайди дег.

Ишонч инсонга қанот бахш эти-

Бунақаси фақат эртақларда бўлади. Лекин биз тилга олмоқчи бўлган гўшанингу бувилимиз айтиб берган оқшом эртақларига мутлақо алоқаси йўқ. Жазирама иссиқ ҳам, тухум пиширши мумкин бўлган қум ҳам, жаннатмақон маскан ҳам бор гап. Бу Мирзачўлда, чўл ўртасида жойлашган Гагарин номли санаторийдир. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, сихатгоҳ ичкарисига қиришингиз ҳамонқо бу ерга етиб келганингизга сизни ёб қўйгудек талаган чивинлар ҳам қайгадир гойиб бўлади. Туни билан дараза, эшиклар очик ҳолда қолдирилса-да, безовта қилишмайди.

Тўриси, бу сирнинг тагига биз етолмадик. Лекин шарт-шароит чиндан ҳам чўл учун аъло даражада эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

Беморларни лой билан, қум билан даволаш йўлга қўйилган, - дейди санаторий бош шифокори Жавлон Жўраев. - Қиш келса, ота-боболаримиздан мерос сандал билан даволаш тадоригини кўрапмиз. Бел орғири, оёқ орғири, умуман бод касаллигидан шикоят би бор одамлар учун бу усулнинг афзаллиги бекибс. Шу мақсадда ўрик дарахтидан ўтин тайёрлашни бошлаб юбордик.

Лой ҳам, қум ҳам шундоқ ёнгинада бўлгани учун таъсири ҳам ўзгача. Боз устига шифобахш радони суи отилиб чиқиб турибди. Нафақат даволаниш, балки тажриба ўрганиш учун ортимизнинг турли бурчакларидан меҳмонлар келиб туриши одат тусига киргани бежизга эмас. Дароқе, сентабёр ойида республика микёсидаги семинарнинг распна ушбу масканда ўтказилиши ҳам кўп нарсани аналтади.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури асосида туманда амалга оширилётган ишлар қўлами тобора ортиб бормоқда. 230 ўринли марказий шифона, 6 та кишлоқ врачлик пункти, 3 та поликлиника, шунингдек, силга қарши кураш диспансери туманда истиқомат қилаётган 49 минг аҳоли хизматига. 53 нафар врач, 200 дан ортиқ ханшира катта-ю кичикнинг соғлиги учун кеча-кундуз елиб-юғуриб ишаламоқда.

Эскидан қолган нақл бор. Осалликни даволагандан қўра, унинг олдини олган афзал, - дейди туман марказий касалхонаси бош шифокори Мухтор Суннатуллаев. - Шундан келиб чиққан ҳолда репродуктив саломатлик масалалари муттасил диққат-эйтиборинида турибди.

Она соғлом бўлса, бола баркамол бўлади. Ана шунга риоя қилган ҳолда 11 минг 284 нафар аёл тўлиқ кўрик-

дан ўтказилди. Хасталик аломатлари аниқланган 3600 дан зиёд бемор соғломлаштирилди. Айёллар хос камқонлик касаллигини даволлаш учун темир моддаси бор препаратлардан фойдаланилди.

Шунингдек, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган оилалар, ногиронлар, уруш ва Чернобил ҳалокати қатнашчилари юз фоиз кўриқдан ўтказилиб, 573 минг сўмлик дори-дармонлар бепул тарқатилди. Қўриш қобилиятини йўқотган 2 нафар беморга республика марказида кўз гавҳари имплантация қилинди. 6 нафар пенсионерга тиш протези қўйилди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмаганидек, тиббиёт ҳам жадал ривожланмоқда, янги-янги муолажа асбоб-ускуналари ва усуллари яратилмоқда. Туман ҳокимлиги томонидан соғлиқни сақлаш тизимига 10 миллион сўм ажратилган

меҳнат қилмоқда. Нафақат рўзгорда, ишда ҳам Нодирахон бош-қош. Ахир, кимсан бош лаборант деган номи бор.

Унда сизга иш йўқ экан-да, - ҳазиллашамиз Юсуфбек билан.

Қаёқда, - дейди Нодирахон сўбатга қўшилиб, - бу киши ишини сотиб оладиганлар тоифасидан.

Билсак, оила зиммасида яна фермерлик ташвишлари ҳам бор экан.

30 гектар еримиз бор, - дейди Юсуфбек. - Дехқончиликка ўрганган одам далани соғиниб қоларкан. Бировдан кам, бировдан кўп деганларидек зўр бериб ётибмиз.

Мавжуд майдоннинг 14 гектарига маккажўхори экилган бўлиб, бу лаборатория эҳтиёжи учун, яна ҳам лўнда қўриқ қилиб тушунтириладиган бўлса, қапалаклар емиши учун. Қолган, ерда эса пахта етиштирилмоқда. Айтишларича, ўтган йили 40 центнердан ҳосил

Мирзачўл мустақиллик йилларида

лиги айни мўддоа бўлди. Лаборатория ва жаррохлик мажмуиси таъмирдан чиқарилди. Бошланган ярим йилликда эса кишлоқ врачлик пунктларига рентген ва физиотерапевтик аппаратлар грант орқали олиниши режалаштирилган. Бундан ташқари, тез тиббий ёрдам маркази ҳам жаррохлик асбоблари билан янада бойийди.

Чўлда сув олтинга тенг. Унинг ҳар бири қатраси - гавҳар. Инсон саломатлиги ҳам аслида шундай. Қумга сингирган суви қайтариб бўлмаганидек, бой берилган саломатлиқнинг ўрнини ҳам тўлдириб бўлмайди. Туманда соғлиқни сақлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мазмун-моҳияти ана шу фикрни одамлар онига сингдиришга қаратилгандир.

ХАЛҚИМ БАҒРИГА БОСГАЙ ИШЛАРИ ИЛГОРНИ

Оилавий тотувликка нима етсин. Эр-хотин бир-бирига муҳаббатли, фарзандлар қобил инсонлар бўлиб вояга етаётган бўлса, бундан ортик бахт борми?

«Пахтазор» агрохизмат маркази ҳудудидаги «Бахриддин» фермер ҳўжалигига қарашли биологатория раҳбари Юсуфбек Мирзавонинг оғзи қулоғида. Ҳисоб-китоблар режалаштирилгандан ҳам кўпроқ даромад олинганини кўрсатиб туради. Шу пайт турмуш ўртоғи Нодирахон кириб келди.

Ҳа, адаси, лабингизни йиғиштиролмай қолибсиз, тинчликми, - сўради одадгадигдек ҳазил аралаш. - Ё қўйларингиз эгиз тугдимми?

Эгиз ҳам гапми, - жаовб қилди Юсуфбек, - кўппа-кундуз кун бошимизга ой чарақлаб чиқди.

Унда ўша ойни олиб бера қолинг менга, агар гапларингиз рост бўлса...

Нодирахон сўзларини охиригача етказолмади. Юсуфбек юрагини тўкиб солди:

Хотининг, - деди у жунбушга тушиб, - осмондаги ойни олиб беролмайман. Қўлим етмайди. Лекин ҳўп десанг, «Жип» машина олиб бераман.

Нодирахон «эрим шунчаки гапирди қўйди-да», деб ўйлаганди. Йўқ, рост экан. Бир ой ўй-ўтмас дарвозахонадан қоп-қора зулуқдек «Жип» кириб келди.

Буларнинг ҳаммаси мустақиллигимиз шарофатидандир, - дейди Юсуфбек. - Илгари, биласиз, аравачали мо-тицикл олиш учун ҳам сон мингта олд-рага кириб, тахлам-тахлам справка тўғрилаш керак бўларди. Худого шукр, эркин нафас олиб яшайдиган, ота-боболаримиз айтмоқчи, топибсан, ҳоло-нинг бўлсин, деган дорилосон кунлар келди.

Юсуфбекнинг шукрона билдирганича бор. 1986 йили Тошкент кишлоқ ҳўжалик институти (ҳозирги Тошкент аграр университети)ни тугатган йигит аввалига ҳўжалиқда лозим қўришган вазибаларни бажариб юрди. Бош ҳосилот, бош мирос лавозимларида ишлади. Ўз касбининг ҳадисини олди. Сиртдан барчаси яхши кетаётгандек эса-да, лекин кўнглининг бир чеккасида қандайдир кўмтиқлик бордек эди. Кейин билса, бу мустақил ишлашга бўлган ички бир интилиш экан.

Бошқалар қатори фермер бўлиб, ўз кучини синаб қўришга аҳд қилди. Экин-тинкина яроскиз деб ташлаб қўйилган ерда дехқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштирди. Буни қўриб раҳбарлар ер қўшиб беришди. Яна ошиғи олчи бўлди. Шу орада ташландиқ ҳолга келган ҳўжалик биологаториясини овқат турғазига масаласи ўртага ташланди қолди. Иختисосига қўра агроном-энтимолог Юсуфбек биринчилар сафида талабгор бўлиб чиқди.

2004 йили биологатория 55 миллион сўмлик хизмат кўрсатган эди. Бу йил бу кўрсаткич янгиланади. Демакки, даромад ҳам шунга яраша бўлади. 71 фермер ҳўжалиги билан 3 минг гектар ерга тузилган шартнома ҳар икки томон учун фойдали бўлишига Юсуфбек ишонди.

Туманда бизниқига ўшаган бир неча биологатория фаолият кўрсатмоқда, - дейди Ю.Мирзавон. - Бу эса кишлоқ ҳўжалик зарарқундаларига қарши химикатлардан фойдаланмаган ҳолда гўза қушандалари бўлиши трихограмма, олтинқўз, хабробронан кабиларга қарши самарали кураш олиб бориш имконини беради.

Бугун биологаторияда 12 киши



Б.НОРҚУЛОВ олган суратлар

кўтарилиб, даромад 30 миллион сўмга етибди. Бу йилнинг мўлжали ҳам чакки эмас. Фермер 2002 йил ҳосилидан «Нексия» харид қилган бўлса, 2003 йили «Олтой» трактори сотиб олибди. Бултурги хангомани эса юқорида айтиб ўтдик. Бу йил ҳам биронта кишлоқ ҳўжалик техникаси харид қилишни мўлжаллаб туришибди.

Бор одамдан кўрқма, ҳеч бўлмаса сендан ҳеч нарсани сўраб чикмайди, деган нақл бор халқимизда. «Бахриддин» фермер ҳўжалиги томонидан амалга оширилаётган хайрия ишлари ҳам тахсинга лойиқ. Майдалашиб ўтирмайлик-да, турли жамғармаларга жами 6 миллион 400 минг сўм ўтказиб берилганлигини ахборот учун айтиб қўя қолайлик.

ОРОМГОҲГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Ҳамманинг кўнглини овлаш қийин. Эҳтимолки, бунинг улдасидан чиқши ҳеч қачон ҳеч қимга насиб етмас. Лекин инсон шундай яралган: умрининг онгли бўлагини эзгуликка бахш этсам дейди. Ва бу йилда баҳоли қудрат нималарнидир амалга оширади ҳам.

Агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмалари Мирзачўл туман Кенгаши ўз теварагига бирлашган 10 мингдан зиёд аъзонинг, агар таъбир жоиз бўлса, ер-ичаридан, ўй-хаёлларидан воқиф бўлиш қафолатини ўз зиммасига олган. Ҳам моддий, ҳам маънавий тушунчаларни ўзида муҷассам этган ҳаёт эса ҳар аснода турфа рангда кўриниш бериб, турли-туман муаммоларни кўндаланг қилиб қўйиши мумкин. Шундай пайтда беихтиёр бир қўмақчига ёки жўяли маслаҳат беришга қодир ақли донишга эҳтиёж сезасан киши. Қасаба уюшмалари ўз мазмун моҳиятига қўра ана шу вазибаларни бажаришга даъват этилган.

Чўл одамлари дангал бўлишади, - дейди АСМ ҳодимлари қасаба уюшмалари туман Кенгаши раиси Насриддин Бобоев. - Мужжал гапни жинлари суймайди. Ваъда бердигини - бажар, йўқса юзингда кўзинг борми демай қўпчиликнинг ўртасида изза қилиб қўйишлар ҳеч гап эмас.

Шунинг учунми йил бошида туман ҳокимлиги ва АСМ ҳодимлари қасаба уюшмалари Кенгаши ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий муҳофаза қилиш юзасидан 2005-2009 йиллар учун тузилган Битимда чўл шароити ва одамларнинг фель-атвори атрофилика инобатга олинди. Шу билан бирга ташкилот, корхона раҳбарияти, фермер ҳўжаликлари раислари бир томондан, қасаба уюшма қўмиталари иккинчи томондан ҳам-жиҳатликда жамоа шартномалари қабул қилиниб, хусусан, нафақат меҳнат аҳлини, балки уларнинг фарзандларини ҳам соғломлаштириш масаласига жиҳдий эътибор қаратилди.

Натижаси эса ибратомуз. Бугун болалар оромгоҳига йўланмалар 100 фоз текинга берилмоқда. Шу жумладан, меҳнаткашларга сихатгоҳлар учун ажратилаётган йўланмалар борасида ҳам шундай олижаноб йўл тутилмоқда. Барча тўловлар учун ҳўжалик, корхона ёхуд фермер ҳўжалиги балогардон - бизга қуч-қувватга тўлган соғлом ишчи керак, унинг кўтаринки кайфияти иш унумини белгилайди, дейишга улар.

Яқинда қасаба уюшмасига биринчи гуруҳ ногирони Бибиғофия Саитова кирди келди. Қийналиб қолгани, пугур-

дан кетган соғлигини тиклаш чорасини тополмаётганидан сўз очди.

Ташвиш чекманг, ҳаммаси жойида бўлади, - дейишди унга. Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмай «Чортоқ» санаторийсига йўланма тутқазилди. Яна ҳомийлар ёрдам қўлини чўзди.

«Мирзачўл» болалар оромгоҳи тоғли Форш туманининг Илончи кишлоғида жойлашган. Сўлим табиат беихтиёр баҳри дилингизни очади. Мавсумга тайёргарликнинг бориши кўздан кечирилганда унча-мунча камчилик-нуқсонлар борлиги аниқланди. Юзага келган ҳолат жиҳдий аралашувни тақозо этарди. Шундай қилинди ҳам. Оромгоҳ жорий таъмирдан чиқарилиб, янги жиҳоз ва ускуналар билан таъминланди. 150 комплект чойнак, коса, пиёла ва лиқопча, 100 комплект чойшаб олиб берилди.

Режага қўра 200 бола соғломлаштирилиши кўзда тутилган бўлса-да, ҳозирнинг ўзида 220 бола саломатлигини тиклаб улгурди. Дам олувчиларнинг 40 фоизи ҳам таъминланди, боқувчисини йўқотган оила фарзандлари.

Қасаба уюшмасининг энг муҳим вазибаларидан бири, бу одамларни иш

билан таъминлаш ва муносиб иш ҳақи берилишига эришишдан иборат. Бу йўналишда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Меҳнат биржаси билан биргалиқда бир неча марта меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, муружаат қилганларга бевосита ёрдам кўрсатилди. 617 киши ишга жойлаштирилди. 16 киши қайта ўқувда бўлиб, янги касб эгасига айланди.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

САНДРА - ЧЕМПИОН

халқ этнографик ансамбли - республика фестивали қатнашчиси

Бу, айниқса, кенг қўламли йирик форумларда, ҳоҳ у спорт, ҳоҳ у маданиятга оид бўлсин, яққол кўзга ташланади. Талантлар, одатда тарқалиб топган ёхуд тараққиёт йўлига кирган мамлакатларда қашф этилади. У ҳоҳ олимпиада ўйинлари бўлсин, ҳоҳ қўшиқ фестивали бўлсин, совринли ўринлар ҳам ил-

лган таъминлаш ва муносиб иш ҳақи берилишига эришишдан иборат. Бу йўналишда муайян ютуқлар қўлга киритилди. Меҳнат биржаси билан биргалиқда бир неча марта меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, муружаат қилганларга бевосита ёрдам кўрсатилди. 617 киши ишга жойлаштирилди. 16 киши қайта ўқувда бўлиб, янги касб эгасига айланди.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

Муаммонинг катта-кичиги, оғир-енгли бўлмайди. Бари масалага қай томондан боқишга боғлиқ, Ҳамма гап савол жаовбсиз қолмай, бошланган иш хайрили туғашига эришишда. Биз Мирзачўл туманида ана шундай муносабани кўрдик.

мумкин. Лекин бизга манзур бўлгани, машғулларнинг қатъий тақвим асосига қурил

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси таркибидан иш юритаётган бирлашма асосан жамоатчилик ёрдамига таяниб иш олиб бормоқда. Масалан, ўтган 2004 йили вилоят миқёсида фаолият юритаётган 16 та ташкилот, шунингдек, турли жамғармалар, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда фаолият юритди. Вилоят ҳокимлиги, Федерациянинг қарорлари, истеъмолчилардан тушган шикоят, аризалар асосида иш юритиб, мониторинглар ўтказилди. Республика мактаб ўқувчилари ўртасида турли босқичларда кўрик-танлов ўтказилди. Ғолиблар диплом ва совғалар билан тақдирланди. «Энг зукко истеъмолчи» номинацияси бўйича вилоятимиз вакили Н.Қаҳоров ғолиб деб топилди.

Корхоналарда, хусусий фирмаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни муваффақиятли реклама қила олиш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бунда маҳсулотларга қўйиладиган ёрликларнинг аҳамияти каттадир. Шунинг билан бирга, вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарувчиларнинг товар ёрликларини ўрганиб чиқиш ва уларнинг қонун талабларига мослигини аниқ-

лаш мақсадида кўрик ўтказилди. Шу асосда қонун ва меъёрий ҳужжатларга жавоб бераётган товар ёрлигини қайта баҳолаш зарурлиги аниқланди. Бу ҳақда маҳсулотларнинг таркиби ва сифати ҳақида маълумот берилди. Улар томонидан нўқсонлар тугатилгани ҳақида жавоб хатлари олинди.

ЖАМОАТЧИЛИК КЎМАГИГА ТАЯНИБ

Истеъмолчилардан коммунал хизматлар, савдо, хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича тушган аризалар мониторинг асосида ўрганилиб, натижалари маълумот сифати-

Мониторинг нимани кўрсатди

Натижада камчиликлар тугатилди. Охтангарон шаҳрида жойлашган «Сетора» хусусий

Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини

тренинглари ўтказилди. Унда иштирок этган вилоят ташкилотларининг раҳбарлари ва мутахассислари маърузалар қилиб, саволларга жавоб беришди. Семинар қатнашчиларига сўровномалар тарқатилиб, шаҳар ва туманларда савдо, хизмат кўрсатиш тармоқларидаги муаммолар, камчиликлар ҳақида фикр-мулоҳазаларни эркин ифода этиш сўралиб, саволларга шу соҳа вакилларидан жавоблар олинди. Савол ва жавоблар умумлаштирилиб, муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилди, камчиликларнинг бартараф этиш учун тегишли ташкилотларга юборилди.

К.ШОДИМОВ, Ташкент вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмаси раиси

Биздан сўраган эдингиз Суд жанаёнида томонлар ўртасидаги низога барҳам берилиб, ўзаро келишилганда қандай йўл тутилади?

Жазоларни либераллаштириш Жиноят процессуал кодексига асосан инсон ҳуқуқ ва манфаатлари билан боғлиқ янги норма ҳамда институтлар киритилишига сабаб бўлди. Бундай институтлардан бири Жиноят процессуал кодексининг 62-бобида белгиланган бўлиб, у «Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш» деб номланади. Бундай институтнинг ташкил этилиши миллатимиз менталитети-га хос бўлган хусусият.

Тарихий манбаларда қайд этилишича аждодларимиз азал-азалдан ярашувга юксак инсонийлик фазилат сифатида муносабатда бўлишган. Ярашув – содир этилган жиноят натижаларини бартараф этишга қаратилган процессуал фаолиятдир. Бунда содир этилган жиноят тўғрисида ўзаро тушуновчилик ҳал этилади ва моддий зарарни қоплаш бўйича келишувга эришилади.


Ярашув институтининг киритилиши нафақат жабрланувчи ва айбланувчи, балки уларнинг оила аъзолари тақдирига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ундан ташқари эъропонлик ва шафқатсизлик натижасида вужудга келган салбий муносабатларни бартараф этади.

Куйидаги ҳолатлар ярашув учун асос бўлади. ЖКнинг 66-моддасида қайд этилган 30 турдаги жиноятдан бирининг биринчи марта содир этилиши, иккинчиси ўз айбига иқдор бўлиш, жабрланувчи билан ярашиш, етказилган моддий зарарни қоплаш.

Ярашувни амалга ошириш учун аввало жиноят иши қўзғатилган бўлиши керак. Бундан ташқари, жиноят содир этилишида айбланган шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи ёхуд судланувчи деб эътироф этилиши, суд маслаҳатчи кирмасдан олдин жабрланувчи томонидан ариза берилиши лозим.

Ана шундан сўнг ярашув тўғрисида судланганликнинг қонунда кўрсатилган ва кўрсатилмаган оқибатларига барҳам берилади. Яъни, судланмаган деб топилди ҳамда жабрланувчи жиноят иши тақдирини ҳал қилиш имкониятига эга бўлади. Яъни ЖКнинг 66-моддасида кўрсатилган 30 та жиноят таркиби бўйича жабрланувчи билан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўртасидаги жиноят, жиноят процессуал ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда давлат таъсири чекланади. Лекин бу билан ишнинг томонларнинг ўзаро ҳал қилиди деган маъно келиб чиқмайди. Давлат уларнинг қилишини юридик баҳолаб, ярашув тўғрисидаги ишларни юритишда моддий ва процессуал қонун талабларига риоя қилинганлиги инobatта олингандагина ярашувга йўл қўйди.

З.ИНОМЖОНОВА, Тошкент Давлат юридик институти кафедрa мудири



Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Кейинги пайтда мамлакатимизда кўпалаб кичик ва катта гидроэлектр станциялари ишга туширилди. Шулардан бири - Ургут туманидаги гидроэлектр станциясидир. Унинг фаолиятига атиги бир йил бўлди. Шундай бўлса-да, қисқа вақт оралиғида истеъмолчилар ишончини оқлай олди.

Даргом каналида ишга туширилган мазукур станция денгиз сатҳидан 800 метр баландликда қурилган. Бугунги кунда унинг горизонтал гидро агрегатлари ҳар бири соатида 500 кВт электр энергияси ишлаб чиқармоқда.

Суратда: Электромеханик Муҳаммад Ғофуров ва Гидротехник Каюм Бойматов.

ҲИММАТУ САВОБ БИСЁР

Шодиёна кунлар хуррамлик билан ўтиб кетаверилади. Лекин кимнингдир бошига ташвиш тушганда, ҳаттоки оқдод кундалик масалаларни ҳал қилишда ёнингда ҳамдард қишилар бўлишига нима етсин. Маҳалла фуқаролар йиғинининг амалий ишлари ана шунда кўринади. Мустиқиллик йилларида республикамизда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув тамойилларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, маҳалла йиғинларига катта имконият ва ваколатлар берилди. Жамиятнинг бошқаришининг ана шу тизиминда иштирок этишининг масъулиятини чуқур ҳис қилган фуқаролар ўз турмуш фаолиятларига янгича ёнашмоқдалар.

Самарқанд шаҳридаги «Иккинчи марказ» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари шу ҳудудда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга, ногиронларга, оила-ёлғиз қариларга ижтимоий кўмак бериш имкониятларини топомқда. Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади, деган нақл бежиз эмас. Шу ҳудудда Мушкулқушод номли зийратгоҳ бор. Бу ерга келган кишилар хайр-эҳсон ташлаб кетишлари сир эмас. Ана шу тушумланинг бир қисми оқсоқолларнинг тақлифи, аҳолининг розилиги билан маҳалла ҳисобига ўтказилди деган бўлди. Бу маблаг ҳисобидан ижтимоий ёрдамга муҳ-

тож оилаларнинг коммунал тўловлари қоплаб берилади, фарзандларига кийим, ўқув жиҳозлари олиб берилади. Бошқа кил ёрдамлар уюштирилади. Ободончилик ишларига сарфланади. - Худуддаги Чақар маҳалласи стадиони анча вақтдан бери қаровсиз, хароб ҳолда ётар эди, - дейди маҳалла йиғини раиси О.Узоқов. - Яқинда шу ўйингоҳни тартибга келтириб, атрофи панжа-ба билан ўралди. Бу обод ўшада эндиликда тўртта маҳалла болалари, 8-мактаб ўқувчилари спорт билан мунтазам шуғулланишмоқда. Маҳалла футбол жамоаси ташкил этилиб, барча зарур анжомлар, спорт кийимлари би-

лан таъминланди. 62-ёрдамчи мактаб-интернат тарбияланувчиларнинг 25 нафарига пойабзал олиб беришди. Маҳалла фуқаролар йиғини ба бордадаги ишларни амалга оширишда «Шифокор» тиббий маркази жамоаси, тадбиркорлар, хусусий тақсирчилар ассоциацияси катта ёрдам кўрсатмоқда. Маҳалла аҳолиси коммунал тўловларни амалга ошириш бўйича энг намунали, деб топилди, шаҳар ҳокимлигининг махсус муқофотига сазовор бўлди. Бундан ташқари, шаҳар ҳокимлиги эзгу ишларни рағбатлантириш тарихида маҳалла кўчаларига янгидан асфальт ётқизадиган бўлди. Маҳалла аҳли эса, еростидан кўтлар сув қувурларини ўз уйларига билан янгилашга киришди. Газ ва электр энергияси таъминотида жузвий муаммолар бор. Бу борада фуқаролар ўз тақлифларини беришди. Шу нарса эътиборимизни тортдики, ҳеч бир масалани четдан келиб ҳал қилиб берилишини маҳалла аҳли кутмайди. Ҳамжихатлик билан ишга киришадилар. Уларнинг мақсади ўз маҳаллаларини обод қилиш орқали мамлакатдаги умумий фаровонликка муносиб ҳисса қўшишдир.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири

Футбол

МАКСИМ ШАЦКИХ БИЛАН "ВЕСТ БРОМВИЧ АЛЬБИОН" ҚИЗИҚМОҚДА

Киевнинг "Динамо" жамоасида тўп сўраётган ҳужумчи Максим Шацкихи Англия премьер лигасида қатнашаётган "Вест Бромвич Альбион" клуби ўз таркибидан қўриш ниятида. Шунинг учун улар Ўзбекистон футбол Федерациясига мурожаат қилиб, Максим Шацкихининг сўнгги икки мавсумда мамлакат миллий терма жамоасидаги ўтказган ўйинлари тўғрисида маълумот сўрадилар. Англия премьер лигасига виза олиш учун Максим терма жамоасининг 75 фоиз учрашуваридан иштирок этган бўлиши шарт, акс ҳолда уни Англия клубларига ўтишига руҳсат берилмайди.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси сўнгги 2 йил давомида 22 учрашув ўтказган бўлса, шундан ўтасидигина Максим иштирок этган. Қолган учрашувларни жароҳатланганлиги ва "Динамо" (Киев) жамоасида чемпионлар лигасида иштирок этганини учун ўтказиб юборган. Унинг бу кўрсаткичи талабага жавоб берадигани учун унинг Англияга бориш муаммоси очик қолган.

ГРЕЦИЯ 2012 ЙИЛГИ ЕВРОПА ЧЕМПИОНАТИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН 115 МИЛЛИОН ЕВРО САРФЛАШГА ТАЙЁР

Греция футбол Федерацияси мамлакатдаги 8 стадиондан 6 тасини реконструкциялаш учун 115 миллион евро сарфлашга тайёр эканлигини билдирган. Икки стадион ҳозирги кунда Европа чемпионати қабул қилишга шай. Бири Афинадаги 72 минг томошабинни қабул қила оладиган Олимпия стадиони бўлса, иккинчиси Пирейдаги 33 минг томошабинга мўлажалланган стадиондир.

Грециядан ташқари 2012 йилги Европа чемпионатини ўтказиш учун Озарбайжон, Италия, Россия, Руминия, Туркия ҳамда Хорватия - Венгрия билан бирга, Польша - Украина билан биргаликда қўшимча ариза берганлар.

Шоҳмат

ДУРАНГЛАРГА БОЙ ТУР

Дортмунд шаҳрида ўтказилаётган 19-тоифадаги шохмат турнирида 4-тур учрашувлари бўлиб ўтди. Беш учрашувнинг тўрттасида дуранг натижа қайд этилди: ван Вели (Голландия) - Пётр Свидлер (Россия); Петер Лeko (Венгрия) - Владимир Крамник (Россия); Майкл Адамс (Англия) - Найдич (Германия); Веселин Топалов (Болгария) - Нильсен (Дания) баҳслари дуранг билан аяқланди.

Атиги бир учрашувда франциялик шохматчи Этьенн Бакро қора донларда исроиллик шохматчи Эмили Сутовскини мағлуб этди ва муҳим очкони кўлга киритди.

Спорт хабарлари

Тўрт турдан сўнг Найдич, ван Вeли ва Нильсен 2,5 тадан очко тўлаб пешқадамлик қилмоқдалар. Россиялик Владимир Крамник ва Пётр Свидлер, Лeko ва Адамсда иккитадан очко бор.

Теннис

ШТЕФФИ ГРАФ КОРТГА ҚАЙТДИ

Германиялик жаҳоннинг совик биринчи ракеткаси 6 йил олдин ўз фаолиятини тўқтатган эди. Ҳозирги кунда у Рейтер агентлигининг хабарига кўра яна профессионаллар турнирига қайтган ва Американинг Ҳьюстон шаҳридаги мусобақада иштирок этган. У икки сафар ҳам россиялик теннисчилар билан баҳс юритган ва мағлубиятга учраган. Аввал Елена Лиховцевага қарши баҳс юритиб ўйинни 4:5 ҳисобида рақибасига бой берган. Ҳуфтлик мусобақасида эса америкалик Энсли Карджил билан бирга Елена Лиховцева ва Анна Курниковага қарши баҳс юритиб 2:5 ҳисобида мағлубиятга учраганлар. Учрашувлардан сўнг Штеффи Граф бундай турнирларда иштирок этишни оруз қилмаганини билдирган. Бу турнирлар жамоалар ўртасида ўтказилишини инobatта олиб, бу мусобақада амалдаги ва совик теннисчилар иштирок этадилар. Жорий йилги Ҳьюстон турнирида Энди Роддик, Линдсей Дavenport, Винус ва Селена Уильямслар, Мартина Навратилова, россиялик Мария Шарापова, швейцариялик Мартина Хингис ва германиялик Борис Беккер иштирок этган.

Бокс

ЖАҲОН КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

Москва шаҳрида 11-жаҳон Кубоги баҳслари бошланди. Бу мусобақаларда кучли 12 терма жамоа иштирок этмоқда. Олдинги мусобақа Қозғистон пойтахти Остона шаҳрида икки йил олдин ўтказилган бўлиб унда қозғистонлик боксчилар ярим финалда россиялик боксчиларни 8:4 ҳисобида мағлуб этиб, россияликларнинг шохсупдан маҳрум этган эди. Россиялик асосий боксчилар Европа чемпионатида жиддий тайёргарлик кўрмоқда эдилар. 10-жаҳон Кубоги мусобақасида кубалик боксчилар Қозғистон боксчиларини финалда 7:5 ҳисобида ютиб совринини кўлга киритган эдилар.

Бу йилги барча терма жамоалар тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юритадилар. Барча гуруҳларнинг ғолиблари ярим финалда йўлланма оладилар.

Россия терма жамоаси Белоруссия ва АҚШ жамоалари билан бир гуруҳда баҳс юритади. Россиялик боксчилар биринчи турда белоруссиялик боксчилар билан баҳс юритиб барча 11 жангга галабага эришдилар. Улардан бештасида россиялик боксчининг устунлиги яққол бўлганлиги учун олдиндан тўқатилган. Энди россиялик боксчилар АҚШ боксчилари билан рингга кўтарилишмоқда.

Т.ЮСУПОВ тайёрлади

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси таркибидан иш юритаётган бирлашма асосан жамоатчилик ёрдамига таяниб иш олиб бормоқда.

Корхоналарда, хусусий фирмаларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни муваффақиятли реклама қила олиш ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бунда маҳсулотларга қўйиладиган ёрликларнинг аҳамияти каттадир. Шунинг билан бирга, вилоят стандартлаштириш ва метрология бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарувчиларнинг товар ёрликларини ўрганиб чиқиш ва уларнинг қонун талабларига мослигини аниқ-

Гузор Қашқадарё вилоятининг лалмикор ер майдонлари ташкил қиладиган туманларидан бири. Бу ерда қўрилаётган барча тадбирлар, олиб борилаётган ислохотлар одамлар ҳаётини яхшилашга хизмат қилмоқда. Биз туман "Қишлоқхўжаликмиқдот" филиалида, пахта тозалаш очик акциядорлик жамияти, марказий шифоҳона ва халқ таълими бўлимидаги ёзги соғломлаштиришга бўлган эътибор билан қизиқдик.

"Қишлоқхўжаликмиқдот" таъминот" да кадрлар бўлими мудири бўлиб ишлаётган Шаҳодат Қодирова қасаба уюшма жонқурларидан бўлиб чиқди. Бу ерда ишловчиларга бўлган ғам-хўрлик жамоа шартномасида аниқ-равшан акс этирилган. Ишчиларнинг иш ҳақларини тўлаш мунтазам йўлга қўйилган. Ҳар бир ишловчи томонидан тушган ариза ва озаки мурожаатларга эътибор билан қаралмоқда. Ишловчилар ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланган. 20 қарши ишда ишловчи 30 кишига ҳар кун су-қатик берилади. Болаларни ёзги соғломлаштириш ҳам эътибор марказида бўлмоқда. 53 кишилик жамоа фарзандларидан 7 нафар бола Яқабободдаги "Сохибқирон" болалар оромгоҳига юборилди. Шаҳодат бу билан қийинликларни ҳам енгизди. Янги навбат учун ҳам йўлланмалар олиш, имкони борича кўпроқ кам даромадли оила фарзандларини бепул дам олдириш учун

ЖАЁЛ БОШҚА, ҲАЁТ БОШҚА

ҳаракат қилаётди. Пахта тозалаш очик акциядорлик жамияти тумандаги ягона санаот корхонаси. Балки шу боисдан бўлса керак, хайрли ишларнинг кўпи шу корхона зиммасига тушмоқда. Раҳбарият ва қасаба уюшма қўмитаси нафақат ўз ишловчиларни, балки атроф қишлоқ, маҳаллалардаги кам даромадли оила фарзандларини ҳам соғломлаштиришни ўз вазифаси деб билимоқда. Масалан, Тошкентда ҳамда Яқабободдаги "Ешлик" оромгоҳида 120 бола корхона ҳисобидан бепул соғломлаштирилди. Қишлоқлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 20 нафар фарзанди корхона йўлланмаси билан оромгоҳларга жўнатилди. Бу ерда ҳодимларни дам олдириш ҳам намунали ташкил этилган. "Бешкент" си-

Ижтимоий ҳимоя

ҳаттоҳи билан тузилган келишувга асосан йил давомида ишчилардан 24 киши шу ерда соғлиқларини тиклайди. Бундан ташқари 7 нафар ногиронли корхона ўз оталигига олган бўлиб, улар

ЖАЁЛ БОШҚА, ҲАЁТ БОШҚА

корхона ҳисобидан санаторийларга юборилиб турилади. Халқроқ ногиронлар кўни муносабати билан ҳар бирига 50 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилади. Худди шундай ҳолатни "Ғузоргазтаъминот" корхонасида ҳам қўриш мумкин. Қулоқларини шундаки, бу ердаги 55 ишловчининг 30 нафар фарзандлари шу кунгача турли оромгоҳларда корхона ҳисобидан дам олдирилди. Мавсум охиригача бу кўрсаткич 60 ўқувчига етиши мўлжалланмоқда. Туман марказий шифоҳонасида аҳолини соғломлаштириш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жойларда қисқа вақт ичида 29 та қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Улар замонавий талаблар асосида жиҳозланди, малакали кад-

Бугуннинг одамлари

МАҲАЛЛАДА ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ

Маҳаллаларимизда маслаҳатчи лавозими жорий этилганига ҳам бир йил бўлди. Шу давр ичида республикамиздаги барча маҳаллаларда маслаҳатчилар сайланиб, улар хонадонлар оқиништаллиги, эл-юрт фаровонлиги йўлида фидойилик билан ишлаб келишмоқда. Эл ишига қамарбаста ана шундай инсонлардан бири пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани «Намуна» маҳалла фуқаролар йиғини конгаши раисининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муфаррах опа Содиковадир.

Муфаррах опа одамлар кўнглига йўл топа билади. Маҳаллада бўладими ёки туман миқёсидами, барча маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашади. Нурониларнинг таъкидлашича маҳалладаги ўғил-қизларни фарзандларидек қўради, уларнинг тарбияси, келажаги учун ўзини масъул деб билади. Шу боис бўлса керак, маслаҳатчи опа қисқа вақт ичида маҳалла аҳлининг, катта-ю кичикнинг хурматида сазовор бўлди.


Маҳаллада 6 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Албатта, шунча одамнинг кўнглини олиш осон иш эмас. Айниқса, аёллар муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун маҳалла маслаҳатчиси тиниб-тинчимайди, елиб-юғуради.

Аёл қамчи - гўлдек нозик. Айтишим мумкинки, маҳалла хотин-қизлари билан ишлашда «Малика» уст кийимлар фабрикасида кўп йиллар цех бошлиғи

гломлаштирилди. Шунингдек, «Поклингинг - соғлигинг», «Контрацептив воситалар ва уларнинг турлари», «4 қарра йўқ» мавзуларида ўтказилган тадбирлар маҳалла хотин-қизларидан катта таассурот қолдирди. Айтганча, маҳалла маслаҳатчиси ташаббуси билан яқинда ана бир хайрли ишга қўл урилди. Болажонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ёзги таътил даврини мазмунли ўтказиш мақсадида кам таъминланган оилалар фарзандлари «Себзор» даҳасидаги «Булок» соғломлаштириш сув ҳавзасида бепул шуғулланганидан бўлишиди. Бу болажонларга ажойиб совға бўлди.

Ешлар тарбияси - долзарб масала. Бу йўналишда 22-, 119-, 146-мактаб маъмуриятлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Ешларни маҳалла ҳаётига фаол жалб қилиш, улардан келажақда муносиб ўринбосарлар тайёрлаш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда маҳаллада «Қизлар кенгаши», рус ва инглиз тиллари ўрганиш, тўқиш бўйича тўғарақлар ишлаб турибди.

Н.СОЛИХОВА, «Ишонч» мухбири



2005 йил - Сихат-саломатлик йили

15 ХИЛ ДАВОЛАШ УСУЛИ

Мамлакатимиздаги етакчи илм даргоҳларидан бири ҳисобланган Қарши Давлат университетидеда педагог-ҳодимлар, ишчилар ва талабаларни соғломлаштиришга катта эътибор қаратилган. Айниқса, олийгоҳда Сихат-саломатлик йили муносабати билан бир қатор таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Университет маъмурияти ва бирлашган касабаяушма кўмитаси ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ бу йилги ёзи мавсумида тасарруфдаги оромгоҳда юзлаб педагог ҳодимлар ва талаба ёшлар дам олдирилмоқда. Утган йили бу ерда 270 нафар талаба ҳамда 30 нафар ходим соғломлаштирилган эди.

Зим топилганлари соғломлаштирилди. Бунда "Ибн Сино" саломатлик маскани малакали шифокорларнинг ҳиссаси ката бўлди.

Дарҳақиқат, олийгоҳнинг саломатлик масканига ҳавас қилса арзийди. У етарли даражада тиббий жиҳозлар ва дори-дармонлар билан таъминланган. Уч нафар юқори малакали шифокор, беш нафар қўли энгил ҳамшира ва орастаконлар беморларга тиббий хизмат кўрсатмоқда. Яна бир эътиборга молик жиҳат

шуки, бу ерда электрофорез, франклизация, массааж, ультравуш, соллюкс, фитобар, парафин ва игна билан даволаш каби 15 хилдаги самарали муолажа усулларидан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд. Шунинг учун ҳам олиб борилаётган даволаш-профилактика ишлари самарадорлиги ошиб бормоқда. Олий тоифали шифокор Саидмурод Қўчқоров, бўлим бошлиғи Дилбар Жуманазарова,

стоматолог Бурхон Примов ҳамда Гафхар Пардаева, Шохиста Фуломова, Хайринисо Тогаева сингари ҳамширалар жонбозлиги туфайли жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўнлаб педагог ҳодимлар ва талабалар саломатликларини тиклашди.

К.ОЛЛОЁРОВ, "Ишонч" мухбири Ш.СУЛТОНОВ олган суратлар

БЕШИК

Катта айрилишда автобусдан тушимди, совға-саломларни қўлтиқлаб Янгиобод йўлининг бошидаги бекат томон юрдим. Яна машина кутишим ва жиянимнинг никоҳ тўйига эртароқ етиб боришим керак эди. Томи илма-тешик, уч томони очик, қаққайиб турган бекат деб аталмиш бу ёпикада сандикка ўхшаш нарсасига суяниб кимдир ўлтирарди. Қадам товушидан у сержакланди, томоқ кирди. Тонгги гира-ширада унинг юзи кўринмас, овозидан катта одамлиги сезиларди.

Хон, ўзимга бек эдим, ёмон йўлга кириб кетдим. Қайфу сафо, киморга берилдим. Анчагина ярамас ишлар билан танлидим ва тез орада безориларнинг "шеф"ига айландим. Хар кеча ўғирлик, эўравонлик билан кимларнидир қақшатардик. Ойим бечора мени бу йўлдан қайтараман деб қўп югурдилар, оёғимга бош қўйиб ёлборландилар. Лекин ҳеч кимни назар-писанд қилмасдим. Раҳм-шафкат деган нарса менга ёт эди.

Ҳикоя

Кунларнинг бирида Люда деган сохибжамол бир қизни учратиб қолдим. Тез орада бурнимдан сим ўтказиб олди. Уни қаттиқ севиб қолганимни тўшундим. Бир кун Люда билан уйдаги қўлга олинадиган бўюмларни сотдик-да бошимиз оққан томонга кетвордик. Бу тўғрисида оймимга икки энли хат ёзиб қолдирдим, холос. Бунинг учун ўзимни умрбод лаянатлайман.

Авалл ўзимизга қўриқ улаштирган бўлидик, сўнгра жомадонларни қўлтиққа уриб

Хоразм томонларда ҲОМИЙ-ФЕРМЕРЛАР

Келажагимиз бўлган фарзандларимизни ёзги мавсумда соғломлаштириш, уларнинг жисмонан бақувият, маънан баркамол бўлиб воғда этишларини таъминлаш барчамиздан юксак масъулият талаб этади. Шунинг учун ҳам туманимизда бу муҳим ишга катта эътибор қаратилган.

Айни кунларда биргина агросаноат мажмуи ҳодимлари касабаяушма туман кенгаши тасарруфидеда учта оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Шундан "Шовот" болалар оромгоҳи 150 ўринга мўлжалланган. "Тонг" ва "Нихол" оромгоҳлари эса ҳар босқичда 80 нафардан болани соғломлаштириш имконияти мавжуд. Туманимизнинг энг сўлим масканларида жойлашган мазкур болалар оромгоҳларида бутун мавсум давомида жами бўлиб 930 нафар ўғил-қиз дам олдирилиши режалаштирилган.

Эътиборлиси, бу йил агросаноат тизимида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг фарзандлари бепул дам олдириляпти. Чунки "Ўзбекистон", "Хоразм" ва "Дўстлик" ширкат хўжаликлари ҳамда қўллаб саховатталаб фермерлар ҳомийлик қилишмоқда.

Оромгоҳимизда тармоқ ҳодимлари фарзандларининг ёзги таътил кунларини мазмунили ўтказишнинг таъминлаш мақсадида пухта тайёргарлик қўрилади. Қўлаб қўлайликларга эга бўлган касб-хунар коллежида бир қатор ишлар олиб борилди. Ошхона, спорт майдончалари, ётоқхоналар талаб даражасига келтирилди. "Маънавият ва маърифат" хонаси ажойиб қилиб жиҳозланди. Кутубхона зарур бадий адабиётлар, қўлланмалар билан таъминланди.

Хозирги пайтда оромгоҳимизда 80 нафар мактаб ўқувчиси мароқли хордиқ чикармоқда. Болаларнинг компьютер буйича сабоқ бериляпти. Турли спорт тўғараклари машгулотларида қатнашаётган ёшларимиз жисмонан чиқиқиб, маҳоратларини оширишмоқда. Шунингдек, тикувчилик тўғаригаги ўнлаб қизлар жалб қилинган. Бундан ташқари, ошхонада ҳар кун ошпазларимиз томонидан болалар учун юқори каллорияли оқатлар пишириляпти. Қолаверса, ўғил-қизларимизга сархил мевалар, сут-қатик маҳсулотлари бериб боришмоқда.

Дурдибой ВАЙСОВ, Шовот туманидаги "Нихол" болалар оромгоҳи раҳбари

Оромгоҳимиз тумандаги энг намунали дам олиш масканларидан бири ҳисобланади. Чунки бу ерда болаларимиз кўнгилдагидек дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Айтиш лозимки, мавсум бошланиши аввалида ҳомий ташкилотлар ёрдамида яхши тайёргарлик ишлари олиб борилганди. Ётоқхоналар, ошхона, спорт майдончалари ўз вақтида тахт қилиб қўйилди. Ювиниш жойлари иссиқ бола совуқ сув билан таъминланди. Қўрқам ва шинама кутубхона турли адабиётлар билан бойитилди.

Биринчи босқичда оромгоҳда тармоқ ҳодимларининг 180 нафар фарзандлари соғломлаштирилди. Айни вақтда ҳам ана шунча бола мириқиб дам оляпти. Уларга 26 нафар тарбиячи, ошпаз ва хизматчилар парвона. Икки нафар тиббиёт ҳодими эса доимий равишда болажонлар саломатлигини назорат қилиб боришади. Иш режамизга асосан ҳар кун турли кўнгилочар тадбирлар, адабиёт кечалари, спорт бешлашувлари ўтказилаётганлиги, айниқса болаларга олам-олам шодлик бахш этмоқда.

Саодат ХАЙТБОЕВА, Ҳазорасп туманидаги "Ҳазорасп ниҳоли" болалар оромгоҳи бош етакчиси

ЎЗБЕК ФИЛЬМИ МУВАФФАҚИЯТИ

Москвада ўтказилган XVII халқаро кинофестивалда қўлаб экран асарлари намойиш қилинди. Истеъдодли ўзбек кинорежиссёри Юсуф Розиков томонидан тақдим этилган "Эркак" деб номланган бадий фильм ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Энг яхши ижод намуналаридан бири деб топилган мазкур экран асари ушбу фестивалнинг таъсис этилган дипломи билан тақдирланди.

Айни вақтда халқаро кинофестивал ҳақами қарори билан "Эркак" фильми хориждаги қатор мамлакатларда кўрсатиш учун тавсия этилди.

Картина ижодкори Юсуф Розиков эса Канада, Франция, Германияда ўтказилаётган кинофестивалларда қатнашиш учун тақлиф қилинди.

ЁШ ИЖОДКОРЛАР ТЎПЛАМИ

Республикамизда қўлаб умидли ёшлар бадий ижод билан шуғулланиб келмоқда. Уларни қўлаб-қувватлаш йўлида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан қўрилаётган тадбирлар ҳам эътиборни ўзига тортади.

"Ватаним сени деб уйғондим" номли шеърый тўпламининг босмага тайёрланиши ҳам айни муддао бўлди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Гафур Фулом нашриёт ижодий уйи билан ҳамкорлик бунда қўл келди.

"Ёш юраклар ёлқини" деган ҳикоялар тўплами ҳам кўп нусхада чоп этилди. Бундан ташқари ёш шоир ва ёзувчиларнинг "Ишқ бекати", "Ембирзор", "Яшил тушлар" сингари бир неча тўплами босма юзини кўрди.

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ

Озиқ-овқатларнинг тозаллиги, хавфсизлиги, узоқ сақланишини таъминлаш йўлида юзага келаётган технологик жараёнлар самарадорлиги билан эътиборни ўзига тортади. Ташкент кимё-технология институти олимларининг шу йўналишдаги изланишлари ҳам амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Олий ўқув юртининг профессори Отабек Илёсов раҳбарлигида юзага келган янги технологик усул пахта ёғининг деярли рангсиз, тоза хилларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қўл келди. Энг муҳими, бундай маҳсулот зарарли госсиполсиз ҳолда тайёрланади.

Бу эса экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Л.КОБИЛОВА

Хабарлар оқимидан

чи ҳам айни муддао бўлди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Гафур Фулом нашриёт ижодий уйи билан ҳамкорлик бунда қўл келди.

"Ёш юраклар ёлқини" деган ҳикоялар тўплами ҳам кўп нусхада чоп этилди. Бундан ташқари ёш шоир ва ёзувчиларнинг "Ишқ бекати", "Ембирзор", "Яшил тушлар" сингари бир неча тўплами босма юзини кўрди.

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ

Озиқ-овқатларнинг тозаллиги, хавфсизлиги, узоқ сақланишини таъминлаш йўлида юзага келаётган технологик жараёнлар самарадорлиги билан эътиборни ўзига тортади. Ташкент кимё-технология институти олимларининг шу йўналишдаги изланишлари ҳам амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Олий ўқув юртининг профессори Отабек Илёсов раҳбарлигида юзага келган янги технологик усул пахта ёғининг деярли рангсиз, тоза хилларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда қўл келди. Энг муҳими, бундай маҳсулот зарарли госсиполсиз ҳолда тайёрланади.

Бу эса экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Л.КОБИЛОВА

ШИФОБАХШ СУВНИНГ ҚАДРИГА ЕТАЙЛИК

Бундан 3-4 йил олдин Чортоқнинг минг дардга даво машхур маъданли сувини ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги, ушбу шифобахш об-ҳайт Самарқанд ва Бухорога, Қорақалпоғистондан тортиб Сирдарё-ю элим Тошкент шаҳригача юборилаётганлиги, ундан қўллар чанқок босди ичимлик сифатида эмас, балки минг дардга даво шифобахш неъмат сифатида баҳраманд бўлаётганлиги ҳақида мақола босилган эди.

Яқинда Тошкентдан таширф буюрган меҳмон билан шаҳар айланарканмиз, қайси озиқ-овқат дўконига кирмайлик, биринчи навбатда "Чортоқ" маъданли суви бор-йўқлигини суриштирдик. Охири ундан "Чортоқ" сувини бунчалик сўроқлаётганлиги сабабини сўрадим.

Хотирангиздан қутарилмаган бўлса, ўша мақолада маъданли сув фойдаси баён қилиниб, бунинг учун Чортоққа келиш шарт эмас, унинг маъданли сувида ичиб ҳам шифо топиш мумкин, деб ёзилган эди. Мен ана шу ёл билан шифо топганлар билан бирга бўлганман, - дея қулиб жавоб қайтарди меҳмон. - Лекин мана икки йилдирки, биз "Чортоқ"қа бормай қўйдик. Дўконлардан қанча сўроқламайлик "қолмапти" деб жавоб қайтариляпти. Кўрпакисиз, Наманганнинг ўзига келиб сўрасам ҳам "йўқ" дейишляпти. Унинг захирасини битмас-туганмас дейишганди, нима бу гап нотўғри эканими?

Очиги, меҳмоннинг тавна маъносидеги бу гапига қандай жавоб қайтаришни билмай қолдим. Рост-да, она табииатимизнинг, оёқларининг учдан бир қисми қолган.

Биз корхонага борган 10 июн кунли сув қуйилган биронта ишишни ҳам кўрсата олишмадик. Маълум бўлишича, бундан бир кун олдин ҳам бирон шифо сув қуйилмаган. - Бугунги кунда фақат туманимиздаги "Абдуллажон" ва "Ойдин МС" фирмалари суви етказиб бераямиз, холос, - дея маълумот беришди бизга.

Хўш, "Чортоқ"нинг анқонлиги урунги айланга кетганлиги боиси нимада? Ер остидан текинга олинаётган ушбу шифобахш неъмат неча савдо шохобчаларида кўринмай қолди?

Тўғри, корхона ҳиссадорлик жамиятига ўтгач, ҳар тийиннинг ҳисоб-китоби қилинмоқда ва бу табиий ҳол, албатта. Лекин масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор: бугунги кунда ишлаб чиқариш деярли вино қуйишга, бошқачасига айтган-

Мухбир нуқтаи назари

да, туманда ва жойларда тайёрланаётган шаробни ишлаб чиқаришга қўлаб қўйилганлиги, ушбу шифобахш неъмат сифатида баҳраманд бўлаётганлиги ҳақида мақола босилган эди.

Корхонадагилар кишини йўлашга ва мулоҳаза қилишга мажбур қиладиган ана бир гапни айтишдик. Транспорти харажатларининг ортиши ҳам маъданли сув нархининг кўтарилишига олиб келмоқда. Қолаверса, харидорларнинг сув таркибини яхши англаб етмаётганлиги, таркибидеда ўнлаб касалликларга шифо бўлувчи кимёвий элементлар мавжудлиги боис бошқа маъданли сувларга нисбатан шўрроқ туюлиши ҳам одамларнинг чанқоқ босибди учун бошқа тур маъданли сувини афзал билишларига сабаб бўлмоқда.

Бизнингча, бу муаммони ҳам ҳал этишнинг йўли бор. Хорижда ҳар қандай маҳсулотни сотувга чиқаришдан олдин ва сотув давомида рекламаларга катта эътибор берилади. Шундай экан, "Чортоқ" маъданли сувининг саломатликка фойдаси, узоқ умр кўришдаги ва турли касалликларни баҳартафқ этишдаги аҳамияти ҳақида мулоҳазалар баён этилган тарғибот ишлари йўлга қўйилса, бу борадаги тўсиқчи ҳам енгиб ўтиш мумкин. Хуллас, бу борадаги фикр-мулоҳазаларимизни мухтасар қилганда, уч-тўрт йил олдинги мақоламизда баён қилингандек, "Чортоқ" маъданли сувининг инсон саломатлиги йўлидаги беқийс фазилатларидан қанчадан-қанча пул сарфлаб сихатгоҳга бормасдан ҳам фойдаланишнинг йўли бор: бу ҳам бўлса унинг маъданли сувида ичиш. Корхона эгалари бунга назарда тутиб маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайитириш ва жаммо сафини ҳамда реализация қилишни кенгайтириш йўли-ўриқларини излаб топадилар, деган умиддамиз.

О.ЖУМАНАЗАРОВ, "Ишонч" мухбири

ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИ ГОЛИБИ

Пойтахтимиздаги Республика шахмат-шақча клубида хотин-қизлар ўртасида шахмат фестивали якунланди.

Учинчи маротаба ташкил этилган турнирнинг сўнги - тўққизинчи партиясидеда фарғоналик Нафиса Мўминова билан дуранг ўйнаган Тошкент шахри вакиласи Ирина Геворгян 7,5 очко жамғариб, биринчи ўринни эгаллади.

Халқаро шахмат федерацияси - ФИДЕ устаси Юлдуз Ҳамроқуллова (Жиззах) охириги учрашувда қашқадарёлик Нодира Нодиржоновнага ютқазиб қўйди ва 7 очко тўплаб, иккинчи ўрин билан чекланди.

Қўли рақибаси устидан ишончли галабага эришган Нодира Нодиржоновна 6,5 очко билан учинчи ўринни олди.

Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касабаяушмаси Марказий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари У.Мусоев укаси

Ботирали МУСАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касабаяушмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари "Ишонч-Доверие"), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dotlink.net; ishonch1@dotlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, "Бухоро" кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134